

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASINING
Q A R O R I



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

„18 “ ИЮЛЬ 2018 й. г. № 55I

Тошкент ш. – г. Ташкент

**Энергия сервис хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисидаги
Низомни тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Замонавий энергия самарадор ва энергия тежайдиган технологияларни янада жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 23 августдаги ПК-3238-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Энергия сервис хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисидаги Низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги энергия ресурсларини тежашни ўлчаш ва верификациялаш, шу жумладан, уларнинг истеъмол ҳажмини ҳисоб-китоб ва ўлчаш усули билан аниқлаш методикасини бир ой муддатда тасдиқласин.

3. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари – «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бошқаруви раиси А.Ж. Раматов ва Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазири М.Х. Салиев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 18 июлдаги
55-сон қарорига
илова

Энергия сервис хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисида Низом

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом давлат органлари ва ташкилотларида энергия сервис шартномалари асосида энергия сервис хизматларини кўрсатиш тартибини белгилаб беради.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

буюртмачи – замонавий энергия самарадор ва энергия тежайдиган технологиялар жорий этиладиган давлат органлари ёки ташкилотлари;

энергия сервис хизматларини етказиб берувчи (кейинги ўринларда етказиб берувчи деб аталади) – давлат органлари ва ташкилотларида энергия самарадор ва энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш (кейинги ўринларда технологияларни жорий этиш деб аталади) бўйича товарлар (ишлар, хизматлар)нинг ягона етказиб берувчиси ҳисобланган «Энергия тежаш миллий компанияси» АЖ;

давлат органлари ва ташкилотлари – давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари;

энергия сервис шартномаси – буюртмачининг топшириғига биноан буюртмачининг электр ва иссиқлик энергияси, табиий газ, сувдан (кейинги ўринларда энергия ресурслари деб аталади) фойдаланишининг энергия тежамкорлигини ва энергия самарадорлигини оширишга қаратилган энергия сервис хизматлари кўрсатиш мажбуриятини етказиб берувчи оладиган, буюртмачи эса энергия ресурсларининг эришилган тежаш миқдорларидан келиб чиққан ҳолда кўрсатилган хизматлар тўлови амалга оширилиши мажбуриятини олишни назарда тутадиган келишув;

оферта – буюртмачига юборилган, етарли даражада аниқ бўлган ва таклифни киритган етказиб берувчининг ўзини таклиф йўлланган ва уни қабул қиладиган буюртмачи билан энергия сервис шартномаси тузган деб ҳисоблаш ниятини ифода этадиган таклиф (энергия сервис шартномаси лойиҳаси);

акцепт – оферта юборилган буюртмачининг уни қабул қилганлиги ҳақидаги жавоби.

3. Етказиб берувчи буюртмачининг энергия ресурслардан фойдаланишининг энергия тежамкорлигини ва энергия самарадорлигини оширишга қаратилган ҳаракатларни (тадбирлар) бажариш йўли билан энергия сервис хизматлари кўрсатади.

4. Энергия сервис шартномаларининг намунавий шакллари уларнинг предметиға боғлиқ равишда Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги томонидан тасдиқланади.

2-боб. Энергия сервис шартномаларини тузиш тартиби

5. Энергия сервис шартномаларини тузишда тарафлар Ўзбекистон Республикаси фуқаролик Кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни, мазкур Низом ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга амал қиладилар.

Энергия сервис шартномасини тузиш мазкур Низомга иловадаги схема бўйича амалга оширилади.

6. Буюртмачи етказиб берувчининг сўровномаси бўйича, агар сўровномада бошқа кечроқ муддат кўрсатилмаган бўлса, 10 кун мобайнида сўровномада келтирилган шаклда энергия сервис шартномаси тузилиши мўлжалланаётган объектлар (кейинги ўринда объектлар деб аталади) тўғрисида маълумотларни тақдим қилади ҳамда белгиланган тарбида ушбу объектларга етказиб берувчининг вакиллари киришини таъминлайди.

7. Буюртмачи етказиб берувчининг сўровномасига асосан уни олган кунидан бошлаб 3 кун мобайнида объектларнинг амалдаги техник ҳолати ва иш режимларини аниқлаш учун ўз ходимларидан иборат, уч кишидан кам бўлмаган, шу жумладан раҳбар ёки ваколатли шахс ҳамда объектнинг жорий сақлаш ва хизмат кўрсатишига масъул шахслардан иборат бўлган комиссия тузади. Комиссия қарори протокол шаклида расмийлаштирилади, унинг нусхаси етказиб берувчига сўровноманинг жавоби билан бирга тақдим этилади.

8. Етказиб берувчи объектлар тўғрисидаги маълумотларни буюртмачидан олган кунидан бошлаб 15 кун муддатда лойиҳаолди ва/ёки лойиҳа ҳужжатларини ва офертани тайёрлаб буюртмачига юборади.

9. Буюртмачи оферта олинган кундан бошлаб 30 кун мобайнида етказиб берувчига акцепт тўғрисида ёки акцептдан бош тортиши тўғрисида ёхуд офертани бошқа шартларда акцептлаши тўғрисида (офертага келишмовчиликлар протоколи) хабарнома йўллайди.

10. Акцепт тўғрисида ёки офертани бошқа шартларда акцептлаш тўғрисидаги хабарномага асосан икки томоннинг розилиги билан буюртмачи ва етказиб берувчилар ўртасида энергия сервис шартномаси тузилади.

3-боб. Энергия сервис шартномаси шартлари

11. Энергия сервис шартномасида унинг предмети билан бирга қуйидаги шартлар назарда тутилади:

а) етказиб берувчининг энергия ресурсларини фойдаланишда тежамкорлик ва энергия самарадорликни ошириш ҳисобига буюртмачининг харажатларини қисқартиришга йўналтирилган лойиҳаолди ва/ёки лойиҳа ҳужжатларининг, шу жумладан етказиб берувчи томонидан амалга ошириладиган технологияларни жорий этиш бўйича ҳар бир тадбирнинг аниқ техник тавсифи, унинг бажарилиш муддатлари кўрсатилган, қонун ҳужжатлари асосида товар (ишлар, хизматлар) харид қилиш доирасида етказиб берувчи томонидан шакллантирилган тадбирлар рўйхатининг (кейинги ўринда тадбирлар рўйхати деб аталади) мавжудлиги. Тадбирлар рўйхати етказиб берувчи томонидан қуйидагилар асосида шакллантирилади:

буюртмачи томонидан тақдим этилган объектлар тўғрисидаги маълумотлар;

объектларда ўтказилган текширувлар натижасида етказиб берувчи томонидан олинган маълумотлар;

б) энергия сервис шартномаси тузилишидан олдинги йилда буюртмачининг йиллик энергия ресурлари истеъмолининг натура ифодасидаги базавий ҳажми ва уларни етказиб бериш харажатларининг пулдаги ифодаси;

в) оферта юборилган кундаги энергия ресурси бирлиги қиймати;

г) энергия сервис шартномасининг бажарилиши натижасида унинг амал қилиш муддатида етказиб берувчи томонидан энергия ресурсларининг натура ифодасидаги эришиладиган тежаш миқдори;

д) агар энергия сервис шартномаси бажарилиши натижасида энергия ресурслари ялпи харажатларининг тежалиши бир энергия ресурси истеъмолидан бошқа энергия ресурси истеъмолига тўлиқ ёки қисман ўтилиши ҳисобига (энергия ресурсларининг натура ифодасини мазкур банднинг «в» кичик бандида кўрсатилган энергия ресурси бирлиги қийматининг кўпайтмаси тариқасида аниқланади) таъминланиши лозим бўлган ҳолда, етказиб берувчининг энергия ресурсларининг пул ифодасидаги эришиладиган тежаш миқдори;

е) энергия ресурсларининг натура ифодасидаги эришиладиган тежаш миқдори (тежаш миқдорининг улуши) шартномада кўрсатилган энергия ресурсларининг тежаш миқдорига тенг ёки ундан ортиқ бўлган тақдирда, етказиб берувчи томонидан буюртмачининг энергия ресурсларини етказиб бериш харажатларини тежаш бўйича мажбуриятлари бажарилган деб ҳисобланишини инобатга олган қоидаларнинг мавжудлиги. Агар етказиб берувчи томонидан энергия ресурслари ялпи харажатларининг тежалиши бир энергия ресурсидан бошқа энергия ресурсига тўлиқ ёки қисман ўтилиши ҳисобига таъминланиши лозим бўлган тақдирда, эришилган тежаш миқдорининг (тежаш миқдори улушининг) пулдаги ифодаси шартномада кўрсатилган энергия ресурсларининг тежаш миқдорига тенг ёки ундан ортиқ бўлиши лозим;

ж) шартноманинг бажарилиши натижасида энергия ресурсларининг натура ифодасидаги эришиладиган тежаш миқдорини аниқлаш. Бунда тежаш миқдори тадбирлар руйхатининг амалга оширилишидан бошлаб, шартномада белгиланган тежаш миқдорини эришиш даврига тенг бўлган календарь давридаги буюртмачининг энергия ресурсларининг истеъмол ҳажми ҳамда энергия ресурсларни истеъмол ҳажмига таъсир этувчи факторлар ўзгаришини инобатга олган ҳолда, тадбирлар руйхатининг амалга оширилишидан сўнг буюртмачининг энергия ресурсларини истеъмол ҳажми ўртасидаги фарқи сифатида аниқланади;

з) бир энергия ресурси истеъмолидан бошқа энергия ресурси истеъмолига тўлиқ ёки қисман ўтилиши натижасида эришилган энергия ресурсларининг тежаш миқдорини қиймат ифодасида аниқланиши. Бунда тежаш миқдори тадбирлар руйхатининг амалга оширилишидан бошлаб, энергия сервис шартномасида белгиланган тежаш миқдорининг эришиш даврига тенг бўлган календарь даврдаги буюртмачининг энергия ресурсларини истеъмол ҳажмининг қиймат ифодаси ҳамда энергия ресурсларни истеъмол ҳажмига таъсир этувчи факторлар ўзгаришини инобатга олган ҳолда, тадбирлар руйхатининг амалга оширилишидан сўнг буюртмачининг энергия ресурслари истеъмол ҳажмининг қиймат ифодаси ўртасидаги фарқи сифатида аниқланади.

Энергия сервис шартномасининг бажарилиши натижасида эришилган тежаш миқдорини аниқлашда ушбу шартномада белгиланган тежаш миқдорини эришиш даврига тенг бўлган календарь давирдаги тадбирлар рўйхатининг амалга оширилишигача бўлган ва етказиб берувчининг тадбирлар рўйхатини амалга оширгандан сўнгги энергия ресурслари истеъмол ҳажми қўлланилади;

и) етказиб берувчининг тадбирлар рўйхати амалга оширилишигача бўлган энергия ресурслари истеъмол ҳажмини қуйидаги усуллардан бирини қўллаган ҳолда аниқлаш:

фойдаланилаётган энергия ресурсларини ҳисобга олиш приборлари ёрдамида аниқланган энергия ресурсларининг истеъмол ҳажми тўғрисида маълумотлар мавжудлигида, – тадбирлар рўйхатини етказиб берувчи томонидан амалга ошириш давригача буюртмачи томонидан энергия ресурсларнинг ҳисобга олиш приборлари ёрдамида аниқланган ҳақиқий истеъмол ҳажми маълумотлари бўйича шакллантирилган энергия ресурсларининг режалаштирилган истеъмол ҳажми асосида;

фойдаланилаётган энергия ресурсларини ҳисобга олиш приборлари ёрдамида аниқланган энергия ресурсларининг истеъмол ҳажми тўғрисида маълумотлар йўқлигида:

етказиб берувчи томонидан фойдаланилаётган энергия ресурсларини ҳисобга олиш прибори ўрнатилганда ва тадбирлар рўйхати амалга оширилишигача бир ойдан кам бўлмаган давр учун ушбу прибор ёрдамида буюртмачининг энергия ресурслари истеъмол ҳажми (ҳажм улуши) тўғрисидаги олинган маълумотларни тарафлар қайд қилинган ҳолда, ҳисобга олиш прибори ёрдамида олинган маълумотлар мазкур банднинг «к» кичик банди талабларини ҳисобга олган ҳолда истеъмол ҳажми сифатида қабул қилинади;

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги томонидан тасдиқланган энергия ресурсларини тежашни ўлчаш ва верификациялаш, шу жумладан, уларнинг истеъмол ҳажмини ҳисоб-китоб ва ўлчаш усули билан аниқлаш методикасига (кейинги ўринларда Методика деб юритилади) мувофиқ ҳисоб-китоб ва ўлчаш усули орқали.

Тадбирлар рўйхати амалга оширилгандан сўнг энергия ресурсларининг истеъмол ҳажмини натура ифодасида аниқлаш тартибининг танлови қуйидаги усуллардан бирини қўллаган ҳолда амалга оширилади:

бир ойдан кам бўлмаган, тарафлар белгилаган давр мобайнида фойдаланаётган энергия ресурсларини ҳисобга олиш прибори билан қайд қилинган ҳажмлар асосида;

Методикага мувофиқ ҳисоб-китоб ва ўлчаш усули орқали;

к) энергия сервис шартномаларининг бажарилиши натижасида эришилган тежаш миқдорини аниқлашда энергия ресурслари истеъмол ҳажмига таъсир этувчи факторлар ҳисоби (энергияни истеъмол қиладиган қурилмаларнинг ишлаш режими ва функционал вазифасининг ўзгариши, энергия истеъмолчиларининг сони, хона юзаси ва ҳажмининг ўзгариши, об-ҳаво шароитларининг кескин ўзгариши – ташқи ҳавонинг ўртача суткалик даражаси, иситиш мавсумида ташқи ҳавонинг ўртача суткалик даражаси, иситиш мавсумининг давомийлиги, энергия ва ресурс таъминоти режимлари, энергияни истеъмол қиладиган қурилмаларнинг ишлаш

режими ва параметрлари, объект ва хоналарни уларни функционал вазифаларини ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш режими ва параметрлари бўйича барча белгиланган санитария-гигиеник ва техник талабларга риоя қилинишини таъминлаш);

л) Методикага мувофиқ ишлаб чиқилган энергия самарадорлигини ўлчаш ва верификациялаш режасининг мавжудлиги;

м) шартномада назарда тутилган тежаш миқдорида эришилишининг бошланғич ва якуний муддатларининг ҳамда давомийлиги бир ойдан кам ва бир йилдан ортиқ бўлиши мумкин бўлмаган тежаш миқдори улушлари эришилиш даврининг кўрсатилиши;

н) шартномада назарда тутилган буюртмачининг энергия ресурслари етказиб берилиши учун тегишли харажатларининг натура ифодасидаги тежаш миқдоридан, ҳамда шартнома бажарилиши даврида тегишли энергия ресурсларининг ҳақиқатда юзага келган нарх (тариф)лари бўйича аниқланган тежаш фоизидан ҳамда энергия ресурсларининг истеъмоли ва иш ҳақи билан боғлиқ бўлган сақлаш, фойдаланиладиган асбоб ва ускуналарни жорий таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш харажатларининг тежалган ҳисоб-китоб миқдоридан келиб чиққан ҳолдаги энергия сервис хизматларининг тўлови.

Агар шартнома бажарилиши даврида тегишли энергия ресурсларининг ҳақиқатда юзага келган нарх (тариф)лари таклиф юборилган кунда амал қилган энергия ресурси бирлиги қийматидан кам бўлса, унда шартнома бажарилиши даврида тегишли энергия ресурсларининг ҳақиқатда юзага келган нарх (тариф)лари таклиф юборилган кунда амалда бўлган энергия ресурси бирлиги қийматига тенглаштириб қабул қилинади;

о) шартнома тузилган санага қадар буюртмачи, мулкдор ёки эксплуатация қилувчи тегишли ташкилот томонидан энергия ва ресурс таъминоти режимлари, энергияни истеъмол қиладиган қурилмаларнинг ишлаш режими ва параметрлари, объект ва хоналарни уларнинг функционал вазифаларини ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш режими ва параметрлари бўйича барча белгиланган санитария-гигиеник ва техник талабларга риоя қилиниши таъминланган объектга нисбатан шартнома тузиш.

Кўрсатилган талаб ва нормалар бажарилмаган тақдирда, бу ҳақда маълумотлар энергия сервис шартномасида кўрсатиб ўтилади ва уларни бажарилишини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар рўйхатига кўшилади. Мазкур банднинг «б» кичик бандига мувофиқ, энергия ресурсларининг истеъмол ҳажмига таъсир этувчи факторларни ҳисобга олган ҳолда буюртмачининг энергия ресурслари истеъмолининг базавий ҳажми кўрсаткичлари натура ифодаси ва уларнинг етказиб берилиши харажатларининг қиймат ифодасини аниқлаш амалга оширилади;

п) етказиб берувчининг мажбуриятлари, жумладан:

ҳўжалик шартномаларини бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш бўйича қонун талабларига риоя этиш;

буюртмачининг жорий фаолиятини қонун ҳужжатларига мувофиқ, жумладан техник регламент талаблари, давлат стандартлари, шаҳарсозлик норма ва қоидалари, санитария норма ва қоидалари, гигиеник ва бошқа нормативларни амалга ошириши учун зарур шароитларни таъминлаш;

тарафлар билан келишилган энергия ресурсларидан фойдаланиш режими ва шартларини таъминлаш;

тузилган шартнома бўйича олинган мажбуриятларни ўз вақтида ва зарур даражада (сифатли) бажариш;

технологияларни жорий этишга доир тадбирларни бажаришда қонун ҳужжатларида белгиланган буюртмачининг фаолияти шарт-шароитлари параметрларига, жумладан техник регламент талаблари, давлат стандартлари, шаҳарсозлик норма ва қоидалари, санитария норма ва қоидалари, гигиеник ва бошқа нормативларга риоя қилиш бўйича ўз мажбуриятларини зарур даражада бажармаганлиги сабабли аниқланган камчиликларни текин бартараф этиш;

р) буюртмачининг мажбуриятлари, жумладан:

ҳўжалик шартномаларини бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш бўйича қонун талабларига риоя этиш;

етказиб берувчига тадбирлар рўйхатига киритилган, технологияларни жорий этишга доир тадбирлар амалга оширилиши режалаштирилган объект тўғрисида долзарб маълумотларни тақдим этиш, шу жумладан объект (иншоот)лар сони, қурилган санаси, тўсиқ конструкциялари типи, мукамал таъмирлаш санаси, энергия ресурсларини истеъмол қилувчи асбоб-ускуналарнинг техник хусусиятлари тўғрисида;

тадбирлар рўйхатига киритилган, унга нисбатдан технологияларни жорий этишга доир тадбирлар амалга оширилаётган объектни ҳамда ушбу тадбирларни амалга ошириш жараёнида ўрнатилган асбоб-ускуналарни зарур даражада сақлаш ва хизмат кўрсатиш, агар ушбу мажбуриятлар шартнома шартларида етказиб берувчига юкланмаган бўлса;

тарафлар билан келишилган энергия ресурсларидан фойдаланиш режими ва шартларини таъминлаш;

етказиб берувчи вакиллари унга нисбатан шартнома тузилган объектга киришини амалга ошириш;

шартномада белгиланган муддатда, аммо шартномада назарда тутилган тежаш миқдорига эришиш муддати тугаган кундан бошлаб 30 кундан кечикмай, етказиб берувчига энергия ресурслари истеъмоли тўғрисида маълумот тақдим этиш;

етказиб берувчи томонидан шартноманинг бажарилиши натижасида тежаш таъминланиши лозим бўлган энергия ресурслари етказиб бериш шартномасининг шартлари ўзгарганлиги тўғрисидаги маълумотни етказиб берувчига тақдим этиш;

тарафлар билан келишилган энергия ресурсларидан фойдаланиш режими ва шартларига риоя қилиш бўйича мажбуриятларини бажариш давомида унинг томонидан йўл қўйилганлиги сабабли аниқланган камчиликларни текин бартараф этиш ҳамда кўрсатилган мажбуриятларни буюртмачи томонидан бажармаганлиги ёки зарур даражада бажармаганлиги оқибатида етказиб берувчида вужудга келган зарарларни қоплаш;

с) ўз шартномавий мажбуриятларини бажармаганлиги ёки зарур даражада бажармаганлиги учун тарафларнинг жавобгарлиги;

т) технологияларни жорий этишга доир тадбирларни амалга ошириш жараёнида етказиб берувчи томонидан буюртмачига ўрнатилган асбоб-ускуналарга эгалик ҳуқуқини қонун ҳужжатларига мувофиқ етказиб берувчидан қонуний ҳуқуққа эга бўлган бўлган шахсларга ўтказиш тартиби;

у) қонун ҳужжатларига зид бўлмаган ҳолларда, энергия сервис шартномаси бўйича тўлов талаби ҳуқуқини бошқа шахс фойдасига тўлиқ ёки қисман воз кечиш мумкинлиги шартининг мавжудлиги;

ф) қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа шартлар.

4-боб. Якунловчи қоидалар

12. Энергия сервис шартномалари доирасида технологияларни жорий этиш бўйича товарлар (ишлар, хизматлар) қонун ҳужжатларига мувофиқ мажбурий сертификатлаштирилиши шарт, сертификатлаштириш талаби белгиланмаган товарлар (ишлар, хизматлар) бундан мустасно.

13. Энергия сервис шартномаларини тайёрлаш ва амалга ошириш мақсадида етказиб берувчи энергия сервис шартномаларини бажариш учун зарур бўлган товарлар (ишлар, хизматлар)ни қонун ҳужжатларига мувофиқ харид қилади.

14. Етказиб берувчи ҳар бир энергия сервис шартномаси тузилгандан сўнг ўзининг харид режасига ўзгартириш киритишга ҳақлидир. Буюртмачининг харид режаси ва харид график режасига энергия ресурсларини етказиш ҳамда фойдаланилаётган энергия истеъмоли билан боғлиқ прибор ва ускуналарни сақлаш ва жорий таъмирлаш билан боғлиқ буюртмачининг тегишли харажатлар қисми бўйича ўзгартиришлар киритиш буюртмачининг энергия ресурсларини етказиб бериш учун харажатларининг эришилган тежаш самарасини тасдиқлайдиган далолатномани тарафлар имзолаган кундан сўнг, аммо ўн кундан кечикмай буюртмачи томонидан амалга оширилади.

15. Қонун ҳужжатларида кўрсатиб ўтилган тартибда буюртмачи етказиб берувчи билан технологияларни жорий этиш бўйича товарлар (ишлар, хизматлар)нинг ягона етказиб берувчиси сифатида энергия сервис шартномалари бўйича ўрнатилган, унга нисбатан технологияларни жорий этиш бўйича тадбирлар ўтказилган асбоб-ускуналардан фойдаланиш юзасидан шартнома тузишга ҳақли.

16. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ тартибда жавоб берадилар.

Энергия сервис хизматлари
кўрсатиш тартиби тўғрисидаги
Низомга
илова

Энергия сервис хизматлари етказиб берувчи ва буюртмачи ўртасида
энергия сервис шартномасини тузиш ва руйхата олиш
СХЕМАСИ

| Босқичлар | Иштирокчилар | Тадбирлар | Бажариш муддатлари* |
|-----------|----------------------------------|--|--|
| 1-босқич | Етказиб берувчи | Энергия сервис шартномаси тузилиши мўлжалланаётган объектлар тўғрисида маълумотларни тақдим этиш ҳақидаги сўровномани буюртмачига юбориш | етказиб берувчи ташаббуси билан |
| 2-босқич | Буюртмачи | Энергия сервис шартномаси тузилиши мўлжалланаётган объектларнинг амалдаги техник ҳолати ва иш режимларини аниқлаш учун комиссия тузиш | 3 кун мобайнида |
| 3-босқич | Буюртмачи | Сўралган маълумотларни етказиб берувчига тақдим этиш. Етказиб берувчининг вакилларининг объектга киришини таъминлаш | агар сўровномада бошқа кечроқ муддат кўрсатилмаган бўлса, 10 кун мобайнида |
| 4-босқич | Етказиб берувчи | Объектлар тўғрисидаги маълумотларни кўриб чиқиш. Лойихаолди/лойиха хужжатларини ва офертани тайёрлаш, уларни буюртмачига юбориш | 15 кун мобайнида |
| 5-босқич | Буюртмачи | Офертани кўриб чиқиш ва етказиб берувчига акцепт тўғрисида ёки акцептдан бош тортиши тўғрисида ёхуд офертани бошқа шартларда акцептлаши тўғрисида хабарнома юбориш | 30 кун мобайнида |
| 6 босқич | Етказиб берувчи | Акцептдан бош тортиши тўғрисида ёхуд офертани бошқа шартларда акцептлаши тўғрисидаги буюртмачининг хабарномасини кўриб чиқиш | 5 кун мобайнида |
| 7-босқич | Буюртмачи/ Етказиб берувчи | Акцептни кўриб чиқиш натижаси бўйича икки томоннинг розилиги билан энергия сервис шартномаси тузиш | 5 кун мобайнида |

*) Тадбирларни бажариш муддатлари бажариладиган ишларнинг шартлари ва ҳажмларига кўра ўзгартирилиши мумкин.